

ҲАЖ ВА УМРА ХИЗМАТЛАРИ
КОНФЕРЕНЦИЯ-КЎРГАЗМАСИ
БОШЛАНДИ

Бугун, 9-январ куни Жидда шаҳрида жойлашган “Супердоме” форумлар саройида бошланган Ҳаж ва умра хизматлари конференция-кўргазмасида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

Саудия Арабистони Макка Амири, Икки муқаддас масжид ходими маслаҳатчиси Шаҳзода Холид ал-Файсал ташаббуси билан ташкил этилган мазкур нуфузли тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Музаффар Комилов, Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содик Тошбоев ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холикназаров иштирок этмоқда.

Ушбу кўргазма жорий йилнинг 12-январ кунига қадар давом этади. Мазкур халқаро кўргазма Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукумати "Ҳаж-2023" тадбирларига пухта тайёргарлик кўриш учун ўтказилмоқда.

Тадбирда дунёнинг турли давлатларидан вазирлар, муфтийлар, ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этишга маъсул Саудия Арабистонининг идоралари ва халқаро компаниялар иштирок этмоқда.

Кўргазма доирасида "Ҳаж-2023" мавсумида меҳмонхона, овқатланиш, транспорт, қурбонлик, Мино, Арафот ва Муздалифа водийларида хизмат кўрсатиш бўйича замонавий лойиҳалар тақдимот қилинади.

Ушбу тадбир Саудия тарихида кенг жабҳада биринчи бор ташкил этилаётгани билан катта аҳамиятга эга бўлиб, бу орқали Саудия ҳукумати ҳаж ва умра зиёратчиларига сифатли хизмат кўрсатилишини ташкил этиш борасидаги мақсадларни ўз олдига қўйган.

Анжуман доирасида Ҳаж ва умра зиёратчиларига кўрсатилаётган хизматлар ҳақида ўзбек, араб ва инглиз тилларида чоп этилган "Ўзбекистонлик зиёратчилар учун ҳаж ва умра хизматлари" номли фотоалбом айрим иштирокчиларга тақдим этилди.

Дин ишлари бўйича қўмита Ахборот хизмати

